ОИЛА ВА МУРАББИЙ МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Нилуфар Махсудовна Кошанова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
n.koshanova@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бола тарбиясида оиланинг таълим салоҳияти, ахлоқий иқлими, ота-оналарнинг хулқ-атвори нечоғли аҳамиятли эканлиги, синф мураббийи фаолиятида ўқувчиларнинг тарбиявий ҳолатини яхшилашга тўсиқ бўлаётган омиллар ва таълим субъектлари ўртасидаги манфаатли ҳамкорликнинг самарадорлиги ҳақида мулоҳаза қилинган.

Калит сўзлар:Таълим салоҳияти, мураббий, Сингапур тажрибаси, таълим субьектлари, ҳамкорлик, ижтимоий шериклик, маъсулият, замонавий таълим.

THE IMPORTANCE OF BENEFICIAL PARTNERSHIP BETWEEN FAMILY AND TEACHER IN IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION

Nilufar Makhsudovna Koshanova
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
n.koshanova@cspi.uz

ABSTRACT

This article discusses the educational potential of the family in the upbringing of children, the moral climate, the importance of parental behavior, the factors that hinder the improvement of the educational situation of students in the work of a class teacher and the effectiveness of mutually beneficial cooperation between subjects.

Keywords: Educational potential, class teacher, Singapore experience, subjects of education, cooperation, social, partnership, responsibility, modern education.

КИРИШ

Замонавий таълимнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилар эканмиз, таълим муассасалари ва жамоатчилик, ижтимоий тузилмалар, оила ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги тизимини шакллантириш учун объектив шарт-шароитларни яратиш давр талабига айланмоқда.

Глобаллашув жараёнида тарбия масаласи етакчи масала сифатида эътироф қилинаётган даврда, бола тарбиясида оиланинг таълим салоҳияти, таълим муассасаси билан аниқ мақсадга йўналтирилган ўзаро манфаатли ҳамкорлиги зарурияти юзага келди. Ҳозир моҳияти ва мазмуни, стратегияси ва тамойиллари бўйича таъсирчан кучга айланиб бораётган глобаллашув таълим соҳасини ривожлантиришнинг ёндашувлари ва усулларини янада самарадор шаклларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Глобаллашувнинг моҳиятини чуқур ўрганиш унга мослашишга, йўналишини ўзгартиришга имкон беради. Сўнгги йилларда кўплаб мамлакатларда таълим турлари, уларнинг тузилиши, тамойиллари ва механизмларини бирлаштириш таълим соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, таълимга янгиликларни киритиш ва тасдиқланган усул ва воситалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Таълим кластерида элементлар ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар муҳим аҳамиятга эга.

Шундай экан, бугунги кунда таълим субъектларининг манфаатли ҳамкорлигини таълим самарадорлигини таъминловчи омил сифатида ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Агар оилада муайян таълим имконияти, ота-оналаримизнинг маъсулиятлилик даражаси суст бўладиган бўлса, у ҳолда болани тарбиялашда кўзланган натижага эришиш мушкул. Бу борада олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қиладиган бўлсак, Россиялик С.Э.Карклина, О.Ю.Кожурова, Шенна Марина Борисовна, Хоменколарнинг илмий тадқиқот ишлари эътиборга моликдир. Социолог С. Э. Карклина оиланинг таълим салоҳияти борасида: “Ота-оналарнинг маданияти ва таълим даражаси, болалардаги ота-оналарнинг обрўси ва болаларнинг ота-оналарга бўлган ишончи, оиладаги талабларнинг бирлиги” сифатида таърифлайди. Боланинг оиладаги тарбияси ниҳоятда нозик ва маъсулиятли иш бўлиб бу борада Россиялик олим А.С.Макаренко шундай деб ёзган эди: *“Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда ёки унга бирон нарсани буюрганда тарбиялайман деб ўйламанг. Сиз болани турмушингизнинг ҳар бир пайтида, ҳаттоки ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан суҳбатларингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишланингиз, дўст-душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, газета ўқишингиз –буларнинг ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга. Агар ота-оналар, катталар болалар олдида обрўли бўлсалар ,болалар уларнинг ҳаракат ва қилмишларига бажонидил тақлид қиладилар”*. Тарбия жараёни ўсаётган боланинг шахсига бир томондан чуқур ҳурмат ва

комил ишонч билан қарашга, иккинчи томондан ундан тўғри ва оқилона талаб қилишга асосланган бўлиши керак.Тажриба шуни кўрсатадики, ижобий намуна ҳамма вақт тарбиянинг таъсирчан фактори ҳисобланади.

Таълим субъектларидан бири ҳисобланган ота-оналар таълим муассасасининг биринчи ва асосий ҳамкоридир. Ушбу муносабатларни қуришда Хоменко 3 боскични таъкидлайди.

Биринчи боскичда томонларнинг умумий мақсадлари, қадриятлари, ресурс базалари, ўзаро ёрдам, ота-она сўровлари ва ресурслари мониторингини аниқлаш натижада, ота-оналарнинг биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш истаги пайдо булади.

Иккинчи боскич- муайян ҳамкорлик дастурларини ишлаб чикиш, маъсулиятни тақсимлаш. Бу боскичда ота-оналарнинг биргаликда фаолият қилиш қобилияти юзага келади.

Учинчи боскичда ушбу муносабатларнинг шартлари амалга оширилади; ихтиёрийлик (биргаликдаги фаолиятнинг турли шаклларида эркинликнинг мавжудлиги ва танловнинг хабардорлиги); узоқ муддатли (субъектларнинг ўзаро таъсирининг узоқ ва такрорий характерига қаратилиши) ва ўзаро маъсулият.

О. Ю. Кожурова ўз тадқиқотида мактаб ва оила каби субъектларининг таълим сифатини яхшилаш учун ҳамкорлик имкониятларини юқори баҳолаб биринчи навбатда, болалар учун фойдалилигини таъкидлайди. Ота-оналар учун ҳамкорлик болалар билан муносабатини ўзгартириш имкониятидир, чунки мактабда муваффақиятли ўқитилган ҳамкорлик модели оилада илдиз олиш имконига эга. Бу болалар ва ота-она муносабатини яхшилашга, оиланинг психиологик иқлимига ёрдам беради.

НАТИЖАЛАР

Бу борада жаҳон тажрибасидан Сингапур мамлакатидаги “Ота-она ҳамкорлиги дастури “ яхши самара берганлигини кўришимиз мумкин. Таълимдаги ижтимоий шериклик бу–ишонч, томонларнинг ўзаро фойдаси, умумий мақсад ва қадриятлар, ихтиёрийлик ва муносабатларнинг давомийлиги, томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланиши натижасида ўзаро маъсулияти билан тавсифланган таълим жараёни субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида тури ва биргаликдаги фаолият. Ташкилий шаклнинг энг асосий субъекти синф мураббийлари, мактаб ўқитувчилари, мактаб психологи ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш борасида шуни таъкидлаш лозимки, малакали ёндашувнинг бурчагида, ҳатто анъанавий

шакллар ҳам ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларнинг янги даражасини ифодалайди, чунки улар ўзаро ҳамкорликни бошлаш ва қўллаб-қувватлашда, онгли позициянинг намоён бўлишида оиланинг устун фаолияти билан тавсифланади. Ваколатга асосланган ёндашув ота-оналарнинг ўз ғоялари билан фаоллигини намоён қилишга, мураббий фаолиятини қўллаб-қувватлашга, онгли позициянинг намоён бўлишига оиланинг устун фаолияти билан тавсифланади.Нафакат ўқитувчилар балки социологлар ҳам ота-она ўртасидаги муносабатлар асосан оиланинг руҳий ва ахлоқий муҳитини шакллантиришини таъкидламоқда.

Оиланинг ахлоқий иқлими турмуш тарзи, ота-оналарнинг хулк-атвори, муносабатларида, оила аъзоларининг мулоқотида сезиларли даражада намоён булади. Айниқса умумтаълим мактабларида юқори синфларда (7-11синфлар) ахлоқий тарбия масаласи, ўқитувчи шахсига бўлган муносабат жиддий мулоҳаза қилишга ундамоқда. Умумтаълим мактабларида ўқувчилар ахлоқий тарбияси масаласи билан шуғулланиш асосан синф мураббийи зиммасига юклатилган. Мураббий фаолиятида ўқувчиларнинг тарбиявий ҳолатини яхшилаш бирламчи вазифа ҳисобланади. Бу маъсулиятли вазифанинг ҳар жиҳатдан самарадорлиги ота-оналар билан тўғри йўлга қўйилган, ягона мақсадга йўналтирилган ҳамкорликдир. Мураббий қанчалик тажрибали бўлмасин бола тарбиясида оила таълим салоҳияти муҳим рол ўйнашини, боланинг тўлақонли шахс сифатида шаклланишида таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигида синф мураббийининг роли муҳумлигини ўрганиш аҳамиятлидир. Чунки барча ота-оналар ҳам мактабнинг иттифоқчиси эмас,уларнинг кўпчилиги камдан-кам ҳолатда ўқитувчига ёрдам беради. Хўш, ушбу муоммоларнинг илдизи қаерга бориб тақалади?

МУҲОКАМА

Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ижтимоий фанлар кафедраси Чирчиқ шаҳар 21-умумтаълим мактабида синф мураббийи фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Педагогик таълим инновацион кластери ва “Мактаб лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида амалга ошириладиган “Инноватор мураббий” лойиҳани амалиётга тадбиқ этди. Бу лойиҳада умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, мақсадли фаолият юритишни таъминлаш ва шу орқали ўқувчиларнинг таълим - тарбия жараёнидаги фаоллигини ошириш кўзда тутилди. Ота-оналарнинг фарзанди тарбияси борасидаги маъсулияти ва гуруҳ мураббийи билан ҳамкорликдаги бола тарбиясидаги фаоллиги масаласи

ўқувчилардан олинган аноним сўровнома ва синф мураббийи билан ўтказилган суҳбат орқали аниқланди. Ўтказилган сўровнома, тест синови ва суҳбатлар асосида синф мураббийининг таълим ва тарбия жараёнидаги ютуқ ва камчиликлари аниқланиб, шунга асосланган ҳолда тажриба-синов ишларини амалга ошириш шакллари, усуллари ишлаб чиқилди.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларининг тарбиявий ҳолатининг талаб доирасида бўлиши, умуман маънавий ҳолатига маъсул шахс синф мураббийи ўзига бириктирилган ўқувчиларга тўғри тарбия бера олишида бир қанча жиддий тўсиқлар мавжудлиги аниқланди:

- Ота-оналарнинг фарзандларини меъёридан ортиқ эркалатишлари ва уларга ишонишлари оқибатда мураббий фаолиятини менсимаслик ҳолатлари;
- Ота-оналарнинг бола тарбиясида асосан бирёқлама, яъни моддий жиҳатига эътибор қаратаётганлиги натижасида бола тарбиясидаги жиддий нуқсонар юзага келаётганлиги;
- Оиладаги муносабатларни тартибга солишнинг беқарор тартиби мавжудлиги;
- Ота-оналар болаларининг бўш вақтини қандай ўтказиши фойдадан ҳоли эмаслиги ҳақида чуқур мулоҳаза қилмаётганлиги;
- Ота-оналарнинг мактаб билан ўзаро алоқалари ўқитувчи ёки мураббий ташаббуси билан уюштирилиши;
- Мактаб ва синф тадбирларида ота-оналар иштироки пассив даражада эканлиги;
- Бефарқлик, назорат ва ғамхўрликнинг йўқлиги, ота-она ролини бажариш учун маъсулиятсиз муносабатнинг мавжудлиги;

Мактаб ва ота-она ҳамкорлик муносабатларнинг алоҳида тури ва биргаликдаги фаолият сифатида ўқувчи маънавияти, тарбиясини ривожлантириш ва амалга ошириш томонларнинг ишонч, ўзаро манфаатдорлик, умумий мақсад ва қадриятлар, муносабатларининг ихтиёрийлиги ва давомийлиги натижасида томонларнинг ўзаро маъсулияти билан тавсифланади. Шуниси қизиққи, ота-оналарнинг мактаб билан ҳамкорлиги ўқувчи қуйи синфда ўқиётганида анча жонли, аммо ўсмирликга ўтишнинг энг оғир дамларида сустлашади. Ўқувчи улғайган сари мураббийларнинг улар билан ишлайдиган методлари ўзгариб боради. Мураббийнинг маълумотлилиги ва тарбияланганлиги унинг ғоявий эътиқоди ва маънавий камолоти, унинг муваффақият калитидир.

Синф мураббийининг фаолиятида, одатда ота-она билан ҳамкорликнинг энг оммабоп усуллардан бири ота-оналар учрашувидир. Ўқувчиларнинг ҳолати

бўйича ота-оналар билан телефон орқали мулоқот қилишнинг индивидуал шакли кейинги пайтларда асосий усулга айланди. Кўпгина мураббийлар ота-оналар иштирокида тадбирлар ташкил қилишга эътибор қаратадилар. Аммо бу тадбирларнинг сифати эмас сонига купроқ эътибор қаратадилалар.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда, оилавий тадбирлар ва танловлар синф мураббийи бошчилигида аниқланиб бериладиган “Йилнинг энг яхши ота-онаси” каби танловларни ташкил қилиш муҳим рол ўйнайди. Ташкилий шаклнинг асосий қисми синф мураббий зиммасида бўлади. Оилавий таълимнинг мураккаблиги, давомийлиги ва мақсадга мувофиқлигини назарда тутган ҳолда, оила билан ўзаро муносабатларнинг муваффақияти асосан тажрибали синф раҳбарлари иштирокида аниқланади. Ушбу ёндашувларга асосланиб, биз қуйидагиларни назарда тутамиз:

1.Оила билан замонавий ҳамкорлик қилишда оилани комплекс ўрганиш, унинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қурилиши лозим;

2. Таълим салоҳиятининг мавжуд даражасини ҳисобга олган ҳолда, фаолият жараёнида ривожланишни рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклини қўллаш. Шахсий йўналтирилган ёндашув ўрганилаётган жараённи ниятлар,қадриятлар йўналишлари,мақсадлар, манфаатлар ва иштирокчиларнинг ўзаро таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқишга имкон беради. Оила тарбиясининг сифатини яхшилаш, таълим жараёнида оиланинг ролини ошириш, болаларни тарбиялашда маъсулиятни тақсимлашга, оиланинг тарбиявий салоҳиятини ривожлантириш жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашга боғлиқдир. Оила билан ишлаш дастурининг йўналишлари:

- ота-оналар учун таълим курси ;
- ота-оналар учун семинарлар ташкил қилиш;
- болалар, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг биргаликдаги ижтимоий – маданий фаолиятини ташкил этиш;
- ахборот –маърифий маконни ташкил этиш;

Оиланинг тарбиявий салоҳиятини ривожлантириш принциплари:

- замонавий ота-оналарнинг хусусиятлари ва уларнинг болаларни тарбиялашдаги устивор ҳуқуқини ҳисобга олиш;
- ҳамкорлик ва ҳамкорлик;
- илмий ва амалий йўналтирилган информация;
- миллат ва этнопедагогик маданият ёндашувлари ;
- шахсий маслаҳат билан оилани қўллаб қуввалаш;

Ушбу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали ота-оналарнинг ўз таълим салоҳитини ривожлантиришни аниқ мақсад қилиб қўйишга имкон беради.

Оила тарбиявий салоҳиятингинг таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

- аксиалогик;
- ваколатли;
- ташкилий ва фаолият;
- ижтимоий-психиологик.

Усуллари:

- диагностика;
- диалог;
- муаммо;
- амалий.

Бунда натижа: Оиланинг таълим салоҳиятини юқори даражага кўтариш. Оиланинг тарбиявий салоҳияти қуйидаги даражаларга бўлинади:

- юқори даражадаги;
- энг яхши;
- паст;

Мактаб билан ҳамкорлик натижасида оиланинг тарбиявий салоҳиятини янада оширишдан кўзланган мақсад жамиятимиз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд муоммоларнинг ечимини топишдир.

Ҳамкорликдан кўзланган мақсад:

1.Таълим ва тарбиявий жараёнида оиланинг ролини оширишда жамиятнинг эҳтиёжлари;

2.Ёш авлодни тарбиялаш масаласида мактаб ва оиланинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг муҳимлиги;

3. Мактаб билан оила ҳамкорлиги мураббий фаолияти самарадорлигини оширишга, боланинг тарбиявий ҳолатини яхшилашни аниқ мақсад қилиб қўйишга имкон бериши.

Ушбу мақсадни амалга оширишда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

Ҳамкорликга жалб қилинган ота-оналарнинг ўз таълим салоҳиятини ижобий томонга ўзгартиришга бўлган муносабати ва мотивацияси учун шароит яратиш.

Боланинг тарбиявий ҳолатини яхшилашда ота-онанинг позициясини мустаҳкамлашдан иборатдир.

ХУЛОСА

Ижтимоий шериклик шароитида оила билан ўзаро муносабатларда уларнинг касбийлигини ошириш масалаларида ўқитувчиларга ёрдам бериш энг асосий масала ҳисобланади.

Бунда муоммонинг илмий асослари синергетик, аксиалогик, ваколатли ва шахсий йўналтирилган методологик ёндашувлар билан таъминланади.

Бир қанча хорижлик мутаҳассислар ҳамкорлик ва ҳамкорлик тамойили мураббий ва ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишончли ва тенг муносабатларига, шунингдек болаларни тарбиялашда юзага келадиган муоммоларни ҳал қилишда , ота-оналарнинг шахсини ҳисобга олиш ва қабул қилишда конструктив изланишларга асосланган. Ҳамкорлик рол, маъсулият ва иштирок этиш улушларини аниқ тақсимлашга қаратилади ва иштирок этиш улушларини аниқ тақсимлашга асосланган мослашувчан ҳамкорлик шакли сифатида тушунилиши керак.

Мураббий фаолияти самарадорлиги унга бириктирилган синфнинг таълим ва тарбиявий ҳолатининг юқорилиги билан баҳоланар экан бу борада ҳамкорликдаги алоқаларида томонларнинг тенг ҳуқуқлиги муҳим аҳамиятга эга. Мураббий ва ота-она ҳамкорлигида асосий хусусиятлар қуйидагилардир : ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик ваколатларини ажратиш, ихтиёрий асос. Юқоридаги тамойилларга амал қилиш мураббий ва ота-она ҳамкорлигида қуйидаги муоммоларни ҳал қилишга ёрдам беради:

Мураббийга бўлган ишончнинг етишмаслиги сабабли юзага келадиган “ота-она корпусининг спонтан диктатураси” олдини олади.

Мактабнинг очиқ тизим сифатида шаклланишига ёрдам беради, бунинг натижасида ота-оналар , таълим жараёни субъектлари,ўқувчилар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларни янада эркин мослашувчан, табақалаштиришга ва инсонпарварлаштиришга имкон беради.

Ота-оналарнинг таълим муассасалари билан ҳамкорлик шароитида оиланинг маъсулияти, аҳамияти ва субективлиги тобора кенгайиб, уларнинг тарбиявий салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ахборотнинг илмий ва амалий йўналтирилганлиги тамойили илм-фан мазмуни ва оила билан ишлаш дастури ўртасидаги мунтазам алоқага асосланган. Ота-оналар, болалар ва ўқитувчиларнинг ижобий кайфиятини барқарор ва тизимли ҳамкорликда шакллантиришга ёрдам беради.

Замонавий мактаб таълим жараёни субъектларнинг комплекс ўзаро таъсирининг яхлит тизими сифатида оилани ўз иттифоқчиси, ҳамкорига айлантириш учун муайян ресурсларга эга эканлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ота-она билан ҳамкорлик- якуний натижа боланинг шахсияти учун ажратилган маъсулиятдир. Бола шахсияти учун амалга оширилган маъсулият эса жамият тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Шундай экан таълим субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик эҳтиёж ва давр талаби эканлигини унутмаслигимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. International Journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020 `Issn: 1475-7192 Received: 10 Nov 2018 | Revised: 20 Dec 2018 | Accepted: 02 Jan 2019 8104 Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster Mardonov Sh—., Toshtemirova S., Ahmadjonov B, Koshanova N
2. Карклина С.Э.Проблемы семейного воспитания(текст)/ С.Э.Карклина. М.: Сов.Россия, 1983.-208 с. Шенна Марина Борисовна.Развитие и реализация воспитательного потенциала семьи в условиях социального партнерства со школой.Уфа.2013.С.23.
3. Хоменко.И.А.Школа и родители этапы развития социалного партнерства [текст] // И.А.Хоменко//Педагогическое обозрение.-2008.№4(79).-С.7-8.
4. Кожурова. О.Ю.Социальное партнерство школы и семьи как фактор повышения их воспитательного потенциала:автореферат дисс. канд.пед.наук [Текст]/О.Ю.Кожурова.-М,2011.-23с.
5. *Лернер, П.С.* Фацилитация — групповая продуктивная познавательная деятельность учащихся [Текст] /П.С.Лернер //
6. Инновации в общеобразовательной школе. Методы обучения: сб. науч. тр. / под ред. А.В. Хуторского. - М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. - С. 143149.
7. Koshanova Nilufar Maxsudovna Academicia an Internatsional Multidisciplinary Research Journal. Problems of ensuring professional membership in the continuous education system (Based on education cluster)P.1519-1522.vol.10, Issue 6, June 2020. https://saarj.com
8. А.Я.Соболев.Мактаб,оила ва жамоатчилик.”Ўқитувчи”Тошкент-1978.43-44 б.
9. А.Холматов.Ўқувчилар тарбиясида мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги.-Тошкент:Ўзбекистон, 1977.

REFERENCES

1. International Journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020 `Issn: 1475-7192 Received: 10 Nov 2018 | Revised: 20 Dec 2018 | Accepted: 02 Jan 2019 8104 Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster Mardonov Sh—., Toshtemirova S., Ahmadjonov B, Koshanova N

2. Карклина С.Э.Проблемы семейного воспитания(текст)/ С.Э.Карклина. М.: Сов.Россия, 1983.-208 с. Шенна Марина Борисовна.Развитие и реализация воспитательного потенциала семьи в условиях социального партнерства со школой.Уфа.2013.С.23.
3. Хоменко.И.А.Школа и родители этапы развития социалного партнерства [текст] // И.А.Хоменко//Педагогическое обозрение.-2008.№4(79).-С.7-8.
4. Кожурова. О.Ю.Социальное партнерство школы и семьи как фактор повышения их воспитательного потенциала:автореферат дисс. канд.пед.наук [Текст]/О.Ю.Кожурова.-М,2011.-23с.
5. *Лернер, П.С.* Фацилитация — групповая продуктивная познавательная деятельность учащихся [Текст] /П.С.Лернер //
6. Инновации в общеобразовательной школе. Методы обучения: сб. науч. тр. / под ред. А.В. Хуторского. - М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. - С. 143149.
7. Koshanova Nilufar Maxsudovna Academicia an Internatsional Multidisciplinary Research Journal. Problems of ensuring professional membership in the continuous education system (Based on education cluster)P.1519-1522.vol.10, Issue 6, June 2020. https://saarj.com
8. А.Я.Соболев.Мактаб,оила ва жамоатчилик.”Ўқитувчи”Тошкент-1978.43-44 б.
9. А.Холматов.Ўқувчилар тарбиясида мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги.-Тошкент:Ўзбекистон,1977.